

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казаков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Хакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиев, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: (208)+30

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СИСТЕМЫ
СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ЖЕНЩИН В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

**INNOVATIONAL FACTORS OF THE INCREASING OF EFFICACY OF THE WOMEN'S
SOCIAL PROTECTION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION**

Ф.Маматов¹Ф.Маматов¹

– Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
талабаси.

Аннотация

Мақола гендер тенгликка бағишланган бўлиб, унда, хусусан, Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоий ҳимояси, уларнинг жамият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётида фаол иштирокларини таъминлаш юзасидан глобаллашув жараёнида олиб борилаётган ва бажарилиши зарур бўлган масалалар таҳлил қилинган.

Аннотация

Данная статья посвящена гендерному равноправию. В ней проанализированы вопросы социальной защиты женщин, в частности меры, осуществляемые в Узбекистане и решение предстоящих задач по обеспечению их активного участия в экономической, политической, социальной и культурной жизни общества в процессе глобализации.

Annotation

This article is devoted to gender equality. It analyzes the issues of social protection of women, measures taken, in particular, in the Republic of Uzbekistan and the solution of the upcoming tasks of ensuring their active participation in the economic, political, social and cultural life of society in the process of globalization taking place in the world.

Таянч сўз ва иборалар: глобализация, гендер тенглик, камбағаллик, зўравонлик, субсидиар сиёсат, инновацион модель.

Ключевые слова и выражения: глобализация, гендерное равенство, бедность, насилие, субсидиарная политика, инновационная модель.

Keywords and expressions: globalization, gender equality, poverty, violence, subsidiary policy, innovation model.

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари тадқиқи долзарб мавзулар сирасига киради. Чунки, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари бутун дунёда ўз долзарблигини йўқотмаган. Гендер тенгликка эришиш ва аёллар салоҳиятини рўёбга чиқариш фуқаролик жамияти ҳаётининг барча жабҳаларида барқарор тараққиётга эришиш учун асосий пойдеворни яратиб беради. Мазкур йуналишдаги самарали сиёсат умр кўриш давомийлиги, таълим сифати, бандлик ва умуман ривожланишнинг белгиланган кўрсаткичларига эришишга қўмаклашади. Айнан шу сабабли

Ўзбекистонда бу масалалар давлатимизнинг доимий диққат марказидадир.

Бугун Ўзбекистон халқининг, жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, фидокорона меҳнати, мақсад сари интилишдаги маънавий тайёргарлиги, саъйи ҳаракатлари билан Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг барча жабҳаларида ишонч билан олдинга бораётир. Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти ижтимоий тараққиётининг нақадар жадал суръатларда рўй бераётгани хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги тўғрисидаги тасаввурлар ҳозирги даврга хос бўлган ижтимоий эҳтиёжлар трансформацияси билан ҳам маълум даражада боғлиқдир. Шавкат Миромонович Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор

масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди” [1]. Шунингдек, давлатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг барча жабҳаларидаги ютуқларимизни хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда олиб борилаётган гендер сиёсати тўғрисида, жумладан, Ўзбекистон Сенатининг раиси Т.К.Нарбаеванинг “Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели” мавзuidaги диссертацияси [2]да ҳам чуқур илмий тадқиқ қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Нарбаева таъкидлаганидек, “Аёл табиатан ўчоқнинг кўриқчиси ҳисобланади. У жавобгарлик туйғусига асосланиб, оила фаровонлиги ҳақида қайғуриб, эҳтиёткорлик билан қарор қабул қилади. У ўз жонини ўзи қиладиган нарсага бағишлайди. Аёл тинчлик, тартиб, барқарорликни қадрлайди. Ижтимоий муаммоларни нисбатан сезгирроқ ҳис қилади. Глобал сиёсат мослашувчанлик ва дипломатияни, сабр-тоқат ва муросага келишга тайёрликни талаб қилади. Бу фазилатларнинг барчаси эркакларга қараганда аёлларга хосдир. Аёллар ҳақиқий ҳаётга яхшироқ мослашган. Улар аниқ мақсадларни қўядилар ва натижага эришадилар. Бу, баъзан уларга эркак ҳамкасбларига қараганда устунликни беради” [3].

Беш муҳим ташаббус хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни фаоллаштиришнинг самарали йўли эканлиги жадал ривожланаётган Ўзбекистон инновацион моделининг таркибий қисми эканлиги аниқ.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг субсидиар, яъни муҳтож инсонларнинг фақат моддий эҳтиёжини қондиришга қаратилган сиёсатдан эҳтиёжманд аҳоли қатлами вакиллари ўз иқтидори, истеъдоди ва қизиқишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи тўлақонли ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатига ўтказилганлиги янги Ўзбекистон ижтимоий инновацион моделининг муҳим жиҳатидир.

Камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсатида бирламчи бўғинда аёлларни мазкур ҳолатдан чиқаришга интилиш моҳият эътиборига кўра бутун халқни фаровонликка эришиш ҳаракатининг ўзига хос драйвери эканлиги барчага аён.

Республикаимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналишлари аниқланиб, ушбу йўналишларни инновацион ривожлантириш орқали уларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш илмий концепцияси оғишмай ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни ижтимоий фаоллаштириш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишнинг асосий омили эканлиги, уни такомиллаштириш, хотин-қизларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолиш муаммоларини мунтазам социологик тадқиқ қилиб бориш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш бевосита узлуксизлигини таъминловчи соҳалар инновация контексти асосида олиб борилиши лозимлиги жамият олдида турган бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат тузилмаларининг хотин-қизларни ҳимоя қилиш жараёнларига хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги инновацион моделнинг имманент хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион усулларини жорий қилиш йўлга қўйилса, бизнинг назаримизда мақсадга мувофиқ бўлади.

Гендер тенгликни таъминлашда фойдаланиладиган инновацион технологиялар хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш контекстида Ўзбекистонда бу соҳада олиб борилаётган ишлар мисолида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тегишли ташкилотлар фаолиятида тизимли тус олиши зарур.

Зўравонликнинг мазмун-моҳияти, турлари ва олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этишнинг инновацион механизмлари, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга нисбатан ўтказилаётган тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ижтимоий, ҳуқуқий фанларининг доимий равишда қилиниб борилиши шарт бўлган соҳаларга айланса, ечимни кутилаётган муаммоларни ҳал қилиш анча осонлашиши мумкин.

Ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш мамлакатимизда хотин-қизларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқаришнинг ҳал қилувчи

омиллардан биридир. Унинг ҳуқуқий асослари ва юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, таълим ва тарбия уйғунлиги – хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий воситалари ҳисобланади. Оила институти ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашнинг хотин-қизлар ижтимоий ҳимоя қилиш тизими муаммоларини бартараф этиш ва истиқболдаги самарадорлигини ошириш йўллари янги ёндашувлар билан бойитиб борилмоқда.

Аниқ мақсадга йўналтирилган гендер сиёсати натижасида янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеи кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар таркибида аёллар 30 фоизни ташкил қилаётгани, раҳбарлар,

тадбиркорлар орасида уларнинг сони ва фаолликлари ортаётгани давлатимизда олиб борилаётган гендер сиёсати нақадар тўғрилигидан далолат беради.

Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги, “Маънавият ва маърифат” марказлари, ижтимоий ҳимоя соҳа ходимлари ва фаоллари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. -2020 йил, 23 сентябрь.
2. Нарбаева Т.К. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели: Фалс.фанлари доктори дисс. –Т., 2020.
3. <https://repost.uz/women-in-politics>

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.)